

**“БОБУРНОМА” АСОСИДА ХОРИЖДА ЯРАТИЛГАН БАДИЙ  
АСАРЛАР ТАДҚИҚИ**

**Садокат Алижон қизи ЮСУПОВА**

магистр

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

sadokatyusipova1998@gmail.com

**Аннотация**

Ушбу мақолада америкалик шарқшунос олим Ҳаролд Ламбнинг “Бобур-йўлбарс” биографик романида ёритилган улуғ мутаффакир ҳақидаги муҳим ҳақиқатлар, Бобур образи, унинг авлодларига қолдирган бой ва бебаҳо мероси, сиёсати, давлат бошқаруви ҳақида аниқ фактлар келтирилганлиги таҳлил қилинганд.

**Таянч сўзлар:** Захириддин Мухаммад Бобур, “Бобурнома”, Самарқанд, Андижон, Ҳиндистон, биографик ёндашув, тарихий шахс, адабиёт, тарих.

**ИССЛЕДОВАНИЕ ПРОИЗВЕДЕНИЙ ИСКУССТВА, СОЗДАННЫХ ЗА РУБЕЖОМ НА ОСНОВЕ ПРОИЗВЕДЕНИЯ «БАБУРНАМЭ»**

**Садокат Алижон қизи ЮСУПОВА**

магистр

Самаркандский государственный университет

Самарқанд, Узбекистан

sadokatyusipova1998@gmail.com

**Аннотация**

В данной статье анализируются важные факты о великом мыслителе в биографическом романе американского востоковеда Гарольда Лэмба «Бобуртигр», образ Бабура, богатое и бесценное наследие, оставленное его потомкам, политика, государственное управление.

**Ключевые слова:** Захириддин Мухаммад Бабур, «Бабурнамэ», Самарканд, Андижан, Индия, биографический подход, историческая личность, литература, история.

Ўзбек мутаффакир, алломалари, шоҳ ва шоиру олимларининг ҳаёт йўли, уларнинг бой ва улкан мероси бутун жаҳон тарихчи, адабиётшунос олимларини ўзига мафтун этмоқда. Айниқса, буюк давлат арбоби, саркарда, улкан сулола давомчиси, шоҳ ва шоир Захириддин Мухаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижоди Шарқ ва Ғарб олимлари томонидан ҳамон ўрганилиб келинмоқда. Захириддин Мухаммад Бобурнинг “Бобурнома” мемуар асари

Марказий Осиё, Ҳиндистон, Эрон, АҚШ, Россия, Франция, Германия, кун чиқар мамлакат Япония ва бошқа күплаб мамлакатларда хорижий тилларга таржима қилинди [5]. Бу тадқиқотларни илк бор хорижда, Германияда шарқшунос олим ва моҳир ёзувчи Фрис Вюртле бошлаб берган [7].

Япон олими Ейжи Манонинг “Бобурнома” бўйича амалга оширган бекиёс ишлари, америкалик олим С.М.Беркнинг “Акбаршоҳ – Бобурийларнинг энг буюги” асари, таникли инглиз адабаси Румер Годен хонимнинг “Гулбадан, Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг “Тарихи Рашидий“ асарлари ва яна ўнлаб китоб ва рисолаларнинг ватандошимиз — Бобур авлодларига етказиб берилиши маънавий ҳаётимизда катта воқеа бўлди. Бобуршунослар, адаб ва шоирларимизнинг ҳам буюк аждодимиз шахси, ҳаёти ва ижодига қизиқишлари бир зум бўлса-да, сўнмади. Бу бебаҳо маънавий-тарихий хазинанинг вақт ўтган сайин янги-янги дур-у гавҳарлари, ярқироқ олмослари топилмокда, бундан кейин ҳам шундай бўлмоғи муқаррар.

Фрис Вюртле бу асарини “Бобумома”дан таъсирланиб, ёшлар учун ёзган. Китоб ўтган асрнинг 1947 йилида Австрияда („С. Жсргл & Со“ нашриёти, Вена) босилиб чиқсан. Унда қуйидаги тавсифни ўқиймиз: “Ушбу қиссанинг ёш қаҳрамони Захириддин Муҳаммад XVI аср бошида яшаб, давлатни бошқарган. У 12 ёшида Фарғонага подшоҳ бўлган. Ҳиндистонда бир неча аср давомида ҳукмронлик қилган йирик сулола унинг номи билан боғлиқ. Бобур ўз бошидан кечирган воқеаларини она тилида, туркий-чигатой тилида китоб қилиб ёзган. Бу китоб “Бобурнома“ деб аталади ва қўлингиздаги қисса шу асосда яратилди”.

Шунингдек, асл нусхада қисса ҳақида мўжазгина, ғоят таъсирчан муқаддима ҳам берилган. Унда, жумладан, шундай дейилади: “Бу йўлбарс шундай қаҳрамонки, унинг тимсоли ёшлар қалбида оташ, ҳаяжон уйғотади. Унинг қисмати жуда ғаройиб, бир хилда кечмайди. уни ураб турган муҳит – сир ва синоатларга тўла узоқ Туркистон сарҳадларида жойлашган Фарғона давлатида дўст ҳам, душман ҳам бисёр. Китобда ёш Захириддин Муҳаммаднинг ички ғалаёнлари ва саргузаштларга учлиги ўз ифодасини

топган. У бегона юртларни ўрганишни истайди. Бу юртда у нимани орзиқиб истаган бўлса, ҳаммасини топади.

Муаллиф буни кўнгилга хуш ёқадиган шаклда, ўзига хос ранг-баранглиқда тасвирлайди... У шундай одамлар тимсолини яратадики, мард, жасур йигитлар жанг майдонида жунбушга кели. “Каругли!” дея ҳайқиришаркан, бу билан ўз баҳодирликларини, ҳеч нарсадан тап тортмасликларини исбот қилишади. Ёзувчи бу ерда ёшлар учун шунчаки бир қисса ёзиш чегарасидан ошиб кетган ва ёшлар ёппасига мириқиб, қўлдан қўймай ўқийдиган антиқа асар яратган. Асарда рухий, ақлий худудлардан ташқарида ўқувчига қимматли қадриятлар даражасидаги хислатлар тақдим этиладики, булар унинг келгусида шаклланиш жараёнида зарур булади. Бу асар орқали мамлакатни бошқариш ҳақида муҳим маълумотлар берилган бўлиб, қўшин ва аскарларни ўз тарбиячилик касб-корида нимагадир эришиш, ҳалққа нафақат ўзига хос қувонч бағишлаш, балки бундан-да юксакроқ нимадир бера олишни истаган киши учун бу асар айни дастуруламалдир” [7].

Фрис Вюртле Бобур Мирзо, темурийзодалар ва уларнинг насл-насабига эҳтиром ва ҳурмати чексиз эканлигини асарида таъкидлаб ўтади. Қисса “Осмондаги темир қозик”, “Карвонбоши”, „Умаршайх Мирзонинг ўлими”, „Оқ капитар”, “Яшил ўқ”, „Ноғора чалинди” , „Донолар урушга боради”, „Ҳарбий кенгаш”, „Отлиқлар жанги”, „Оллоҳнинг амри” сингари кичик-кичик йигирма бобдан иборат.

Ўн икки ёшли подшоҳзода Бобур иштирокидаги қизғин воқеалар тафсилоти давомида муаллиф ўша даврдаги Мовароуннахрнинг сиёсий-ижтимоий ҳаётига, ҳарбий воқеалар ва низоларга ҳам ўз билим ва тажрибаси доирасида баҳо беради, Аҳси қалъасидаги вазият, Умаршайх Мирзонинг ўлимидан кейин руй берган таҳликали ҳолатлар, садоқат ва сотқинлик манзаралари ҳаётий тимсоллар, шахслар ва ҳодисалар ёрдамида жонли лавҳалар орқали ишонарли тасвирланади. Фарғона водийсининг сўлим табиати, тоғ-у тошлар тасвири, об ҳаводаги ўзгаришлар ва ҳатто Бобур Мирзо „Бобурнома“да алоҳида тилга олган „Хо, дарвеш” даштидаги қуюн, чанг-

тузон буронлари ҳам австриялик муаллиф назаридан четда қолмаган. Германиялик олим Фрис Вюртле Бобурнинг отаси Умаршайх Мирзонинг ўлими тасодиф эмаслигига алоҳида тўхталиб, фикр билдиради. Унда: "Яна бир нозик ҳолат шундан иборатки, асарда Умаршайх Мирзонинг жардан учиб ҳалок бўлиши тасодиф ё қисматдан эмас, балки Шайбонийхондан мартаба ва амал илинжида юрган сотқин беклар, аниқроғи Аҳси қалъасининг беги бошлиқ фитначилар гурухи томонидан уюштирилган, аниқ режа асосида амалга оширилган сиқасд сифатида ифодаланади" [7].

Бу воқеа тарихий ҳақиқатга қанчалик тўғри келиб келмасин, қиссада гоят ишонарли, жонли ва таъсирчан тасвирланган.

Америкада эса бу борада илмий изланишларни ва бобуршунослик илмининг инглиз тилидаги мактабини очган шарқшунос олим Ҳаролд Алберт Ламбдир (1892-1962).

Америкалик тадқиқотчи, шарқшунос олим Ҳаролд Алберт Ламб Бобур ва бобурийлар салтанатига оид бир қанча изланишлар олиб борган. Бу тадқиқотларда Бобур шахсиятини улуғлайди, бошидан ўтказганларини китобхонга сўзлаб беради ва ғарб вакилларига мураккаб, таҳликали, аммо мазмунли ҳаёт йўлини ўrnak қилиб кўрсатади [3].

Бундан ташқари, Ҳаролд Алберт Ламб АҚШнинг Колумбия университетида ўқиб юрган йилларида у Марказий Осиё давлатлари, Хиндистон ва Хитой тарихи, маданиятига қизиқиб, манбаларни излаб, уларни ўрганади. Ламб 20 дан ортиқ тарихий биографиялар яратади. Чингизхон ва мўғуллар тарихи, Амир Темур ва темурийлар салтанати, буюк турк тарихи ва Султон Сулаймон каби ҳукмдорлар ҳаётини ёритади.

Унинг энг машҳур биографик романи "Бобур – йўлбарс" ("Babur the Tiger: First of the Great Moguls") асари бўлиб, яратган барча илмий ва тарихий асарлари орасида алоҳида ўринга эгадир. Бу асари орқали америкалик тарихчилар ва бутун дунё тарихчи олимлари назарига тушади. Алберт Ламб Бобур характеристини бадиий тасвирлар орқали очиб беради. Бундан ташқари, унинг шахсиятига психологик ёндошади.

Бу асар шарқшунос олимнинг энг сўнгги асари ҳисобланиб, Ламб вафот этган йилда, яъни 1962 йилда нашр қилинган. Биография Бобур ҳақида яратилган асарлардан тубдан фарқ қиласди. Асарни ёзишдан олдин Ҳаролд Ламб ўша давр жамияти ҳақида муҳим ва аниқ маълумот берувчи манбаларни топиб, таҳлил қилиб, уларни ўрганиб чиқади. Муаллиф асосий фундаментал манба сифатида Бобурнинг мемуар асари “Бобурнома”ни танлайди, далиллар ва ишончли фактлар тўплаш учун Москва, Техрон шаҳарларига боради.

Асарда Мовароуннахр, Хурросон ва Ҳиндистондаги кескин тўқнашувлар, таҳт учун бўлган жанглар тасвирида Бобур образи маҳорат билан ёритилади. Бобур жангу жадалларда она Ватандан йироқда бўлса ҳам, ўзининг ижодий фаолиятини бир зумга тўхтатмаганлиги ҳақида маълумот берилади. Асарнинг кириш қисмида Ҳаролд Ламб Бобурнинг туғилишига алоҳида тўхталиб, ота томондан темурийлар салтанати давомчиси, она томондан эса қўчманчи ҳаёт кечиравчи мўғуллар сулоласига мансуб Юнусхоннинг набираси эканлигини батафсил ёритиб ўтган.

“Бобурнома” асарида Бобур Мирзо бир ёшга тўлай деб қолган вақтда, унинг бобоси Юнусхон карнай садолари остида водийга амиру беклари билан келганлиги ва Бобурнинг биринчи марта соч кесиш ва унга исм қўйиш маросимида қатнашганлиги, Бобурга исм қўйиш учун улуғ шайх Ҳўжа Аҳрор Валийга буюрилганлиги ва шайх чақалоққа “Захириддин Муҳаммад” дея исм берганлигини, маросимда бобоси Юнусхон чақалоқни қўлига олиб, боши узра баланд кўтариб: “Бу кичкина йўлбарс” деб эълон қилганлигини олим ўз асарида алоҳида келтириб ўтган [1;3].

Ламбнинг таъкидлашича, Юнусхон “Захириддин Муҳаммад” исмини тўғри талаффуз қилолмас эди ва натижада “Бобур” исмини қўшган. “Йўлбарс” маъноси эса, арабча “Бобур” сўзи орқали ифодаланар эди. Бобоси Юнусхон мўғул хонлари орасида энг нуфузли ва маърифатли хукмдорлардан эди. Асарда муаллиф Бобурнинг онаси отасидан фарқли ўлароқ, камтарона ҳаёт кечирад, бобоси Юнусхоннинг хоҳиши билан отаси Умаршайх Мирзога никоҳлаб берилганлигини ёзади.

Бобурни Самарқандни икки маротаба эгаллаб, оз фурсатдан сўнг Шайбонийхонга мағлуб бўлиб, азим Самарқандни “шаҳарга сув кирадиган тарнов орқали ярим тунда онасини етаклаганча чиқиб кетди” дея тасвирлайди америкалик олим [3]. Асарда бу воқеадан сўнг Бобур Мирзо қир-адирлардаги чўпонлар томон йўл олганлиги, бу вақтда бемор онасини Тошкентга, тоғаси Маҳмудхон хузурида қолдирганлиги, тоғаси Маҳмудхон унга Даҳкат қишлогини берганлиги романда батафсил тасвирланган. Олим ўз асарида энг қийин ва ёлғиз кунларида ғазал ёзишни, кўнгил кечинмаларини қоғозга тушуришни хоҳлаганлигига эътиборни қаратган.

Кунларнинг бирида хоннинг одамлари ва хон давра олиб овга чиқадилар. Бобур Мирзо ўзини овдан тийиб, ёзаётган ғазалини охирига етказиб қўйишга қарор қиласди. Ўша тугаллаган ғазалнинг матласи будир:

*Жонимдан ўзга ёри вафодор топмадим,  
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.*

Ҳаётнинг яхши ва ёмон кунларида Бобур ўзидан бошқа бир садоқатли, вафодор кимсани топмаганлигини Ламб асарида таъсирчан сўзлар орқали ифодалаб берган. Самарқандни ташлаб кетиш унга жуда оғир ботди. Шайбонийхон билан музокара ва сулҳ тузиб, шаҳарни тарқ этади. Опаси Хонзода Бегим душман қўлида қолади.

Ҳаролд Алберт Ламб асарида Бобур мирзонинг опасининг ўз ихтиёри билан Шайбонийхон хузурида қолганини бундай тасвирлайди: “Воқеани Бобур Мирзо шундай баён қиласди. Лекин Ҳайдар Мирzonинг ёзишича, Хонзода Бегим сулҳ шартларига кўра Шайбонийга берилган эди. Аслида эса укасига ҳамиша садоқат билан хизмат қиласиган Хонзода Бегим ўз ихтиёри билан хон хузурида қолгандай туюлади. Бобур Мирзога садоқатли бўлган бувиси Эсондавлат Бегим ҳам яна икки аёл билан Самарқандда қолади” [3;69].

“Бобур-йулбарс” романининг “Падаркуш мамлакатига бир назар” бобида Бобур Кобулни қўлга киритиб, энди Бобур Мирzonинг биринчи режаси бу юришда яна қанча мамлакатни қўлга киритишни ҳисоб қилиши акс эттирилган. Асарда тасвирланишича, пойтахтини кесиб ўтадиган дарё шарқقا

томон оқиб, Ҳинд дарёсига қўйилар эди. Бобур Мирзо мана шу йўналишда давом этишга қарор қиласди. Ҳинд дарёсининг нариги қирғоғида Ҳиндистон деб номланувчи мамлакат жойлашган эди. Ҳаролд Ламб Бобурнинг қўлга киритилган шаҳарни айланиб, аҳоли ва унинг урф-одатларини ўрганганлигини ёзади. Шаҳар Бобур Мирзога жуда маъқул тушган. Бундан ташқари шаҳарнинг атрофини тоғлар ўраб олган бўлиб, ҳавоси тоза ва дилларни яиратган.

Ҳиндикуш тоғлари шаҳарни шимолдаги Қундуз мамлакатидан ажратиб турган. Бобур Мирзо кўз олдига барча куч ва имкониятларини келтириб: “Қизиқ, булатларни қучиб турган тоғ чўққилари ажойиб гўзал гўшалари ва чексиз ҳудудга ёйилган бу ўлкани Самарқанд сингари бетакрор маконга айлантиrsa бўлармикан?” деган мулоҳазаларини Ламб Кобул иқлимини таърифлашда Бобур ҳақиқатни бироз оширганлигини таъкидлайди [3;111]. Бундан ташқари, романда бу ерга бошқа юртлардан келадиган савдо карвонлари таърифи ҳам келтирилган, карвонлар, асосан, отлардан иборат бўлган. Олимнинг фикрига кўра, Ҳиндистон ва Хурросонни боғловчи асосий восита Кобул вилоятидир [3].

Асарда Ҳиндистондан Кобулга кўплаб савдо маҳсулотлари, айниқса, оқмато, шакарқамиш, чақмоққанд, шакар, зираворлар ва қуллар олиб келинишини шарқшунос олим тасдиқлаб ўтади. Бобур ўз она Ватанини жуда кўп қумсали, ҳатто Андижоннинг тил ёрат қовунларини ва узумларини ҳавас билан эслали тасвиirlарини асарда учратамиз.

Мирзо Бобур Кобулда ҳам Самарқанд ва Андижондаги каби қовун, шакарқамиш ва олча кўчатларини келтириб, ўстиришга ўриниб кўради. Олчалар яхши тутиб мева берди, аммо шакарқамиш бу ерларда яхши ўса олмаган. Бу ерда етиштирилган қовунлар Андижондаги қовунлар каби маза берга олмаганлиги ҳақида муаллиф хабар беради [3].

“Бобур – йўлбарс” асарида Кобул ҳақида сўз кетар экан, Кобулнинг жуда латиф ҳавоси борлиги, унинг ҳавосидек ҳаволи ер оламда йўқлиги, ёз кунларида кечалари пўстинсиз ётиб бўлмаслиги ҳамда қишининг қаттиқ совуғи йўқлигини айтади. Самарқанд ва Табриз ҳам ҳушҳаволиги билан машҳурдир,

лекин у шаҳарларда қаттиқ совуқ бўлиши билан ажралиб туриши ҳақида Алберт Ламб ўз далилларни келтиради.

Америкалик Ламб асарнинг сўнгида 47 ёшида ҳаёт билан видолашган Бобур умрининг 36 йилини тахтда ўтказганини айтади. Йигирма йил давомида қўлга киритган Самарқанд тахтини бой бергандан сўнг у Ҳиндистонда улкан салтанат яратганини сўзлайди. Бу салтанатнинг маҳобатини, афсуски ўзи кўра олмади. Айниқса, 1556 йилда ёш шаҳзода Акбар Мирзонинг тахтга чиқиши билан Ҳиндистон Бобур очиб берган йўлдан бориб ривожланди.

Ҳаролд Ламб таъкидлаганидек, “Буюк бобурийлар салтанати” Бобур туфайли афсонавий гўзаллик, фаровонлик ва маҳобатни ўзида мужассам этган мавқега кўтарилиди. Шарқшунос олим Ҳаролд Ламб “Бобур – йўлбарс” биографиясини ёзишда “Бобурнома” мемуар асаридан ва Бобур ҳақидаги тарихий манбалардан фойдаланган. Асар Бобурнинг дунёга келишидан вафотига қадар тарихий воқеаларни инглиз тилида ёритади. Олим Шарқнинг энг зиёли, етук, баркамол шахси сифатида Бобур шахсиятини ўз асари орқали тасвирлаб беради.

Ламб Бобурнинг ватанга бўлган муҳаббатини кўриб, унга ҳурмати янада ошади. У ўз мамлакати ва аҳолисининг аҳволини тубдан яхшилаш учун доимо ҳаракатда бўлади. Бироқ бунга қарамай, Бобурни олим самимий инсоний фазилатли шахс сифатида таърифлайди.

Олим унинг қуйидаги хислатларига тасанно айтади: “У одамларни ҳаётни қадрлашга ва севишга, ростгўй, тўғри бўлишга, душманларга ишонмасликка, ўз шахсий манфаати кетидан қувмасликка, ҳалол, соф кўнгил бўлишга, умуман, руҳий бойликка эга бўлшга, бемаъни моддий бойлик, амалдорлик билан овора бўлиб қолиб, мазлумларни, муҳтожларни оёқ ости қилмасликка, мақсадга зўр бериб интилишга, қатъият билан қандай бўлмасин унга эришишга чақиради”.

Ўлмас ва ноёб асар яратган Ҳаролд Ламб Америка ва дунё ҳамжамиятида “Бобур ва бобурийлар сулоласи” ҳақида муҳим маълумотларни қолдирди, кўплаб тадқиқотлар ёзилишига сабабчи бўлди.

Шунингдек, Бобурнинг фикрий доираси ниҳоятда кенг, унинг эрудицияси жуда чуқур, хотираси эса, «Бобурнома»да кўзга ташланишича, гоятда тенгсиз, ҳақиқатдан ҳам кишини ҳайратда қолдирадиган даражада бўлган. Уни коинотдаги, табиатдаги барча нарсалар қизиқтиргани сингари ижтимоий ҳаётдаги барча ҳодиса ва соҳалар ҳам қизиқтирган ва у ҳақиқатдан ҳам ҳамма нарса билан шуғулланган. Бунда у ҳамма вақт камолотга ва янгиликка интилган [1].

Бобур асосан алифбе масалалари билан ҳам шуғулланган. Бобур турк тиллари системасида сузлашувчи халқлар орасида араб алифбесини бошқа, ислоҳ қилинган (бу сўзнинг тўла маъносида), осонлаштирилган алифбе билан алмаштириш маъқул эканлиги масаласини амалий равишда биринчи бўлиб таклиф қилди ва бу янги алифбенинг конкрет лойиҳасини унинг ўзи ишлаб чиқиши ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўзбек адабиётини ривожлантиришда Бобур ўзининг катта хиссасини қўшган. Унинг энг яхши асарлари ўзбек адабиётида ажойиб воқеалардан бири бўлиб қолган жаҳон адабиёти хазинасига кирган. Бобур Навоий, Лутфий, Амир Хисрав Дехлавий ва Шарқнинг бошқа буюк шоирларининг энг яхши традицияларини ижодий давом эттирганлигини кўришимиз мумкин. Асарлари шакл жиҳатидан ҳам, ғоя жиҳатидан ҳам Алишер Навоийнинг баъзи асарлари билан бевосита ҳамоҳанг. Лекин ўзининг асарларида шоирларга муносабатида хурмати чексизлигини билдирган.

Бобурдан бизга ҳамда башариятга буюк маънавий бойлик қолган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Бобур, Заҳириддин Муҳаммад. Бобурнома. –Тошкент: Фан, 2019. – 440 б.
2. Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. – Тошкент: Шарқ, 2010. – 720 б.
3. Ҳаролд, Ламб. Бобур – йўлбарс. –Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 296 б.

4. Теория литературы. В2-х т. Т. 1. Бройтман С.Н. Историческая поэтика: Учеб.Пособие / Под ред. Н.Д.Тамарченко. – Москва: Академия, 2004. – 340 с.
- 5.Twentieth Century Authors, a biographical dictionary of modern literature. / Ed. by Stanley J. Kunitz and Howard Haycraft; (Third Edition). New York: The H. W. Wilson Company, 1950. –785 p.
6. Woertle F. Babur, der tiger. –Vienna: S. Jsrgl & Co, 1947. –156 b.
7. Vyurtle F. Andijon shahzodasi. –T.: O`qituvchi, 2012. – 160 b.